

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

398 Оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш, уларни ўтказишда фуқаролар хавфсизлигини ва жамоат тартибини сақлаш чора-тадбирларини кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Оммавий тадбирларни ўтказиш қоидалари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

оммавий тадбирларни ўтказишда хавфсизликни таъминлаш тўғрисидаги шартноманинг намунавий шаклини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

оммавий тадбирлар ташкилотчилари томонидан оммавий тадбирларни ўтказишда хавфсизликни таъминлаш тўғрисида ички ишлар органлари билан мажбурий тартибда шартномалар тузилиши юзасидан қатъий назорат ўрнатиш, шунингдек уларнинг тегишли рухсатномалар олмасдан ўтказилиши ҳолатларига йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўрсин;

вазирликлар ва идораларнинг оммавий тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш давомида хавфсизликни таъминлашга жалб қилинадиган бўлинмалари хатти-ҳаракатлари мувофиқлаштирилишини таъминласин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

бир ой муддатда — ушбу қарорнинг мақсадлари, мазмун-моҳияти ва амалий аҳамиятини аҳолининг кенг қатламлари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида тушунтириш тадбирлари ўтказилишини;

икки ой муддатда — ҳар бир оммавий тадбирни ўтказиш объекти бўйича оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишни тартибга солувчи йўриқномалар, оммавий тадбирлар ўтказилишини назорат қилиш комиссиялари таркиби ва уларнинг иш тартиби тасдиқланишини;

уч ой муддатда — оммавий тадбирлар ўтказиш объектларини паспортлаштириш, ёндош ҳудудларнинг аниқ чегараларини белгилаш тугалланишини, мавжуд бинолар, иншоотлар ва иморатлар, муҳандислик-техник, коммуникация, ёнғинга қарши, эвакуация иншоотлари, кириш йўллари ва транспорт воситаларининг тўхташ жойлари, дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш

пунктлари, техник асбоб-ускуналар, фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун зарур бўлган махсус воситаларнинг ҳисоблаб чиқилган захираси ва номенклатурасининг техник ҳолати таҳлили ўтказилишини;

оммавий тадбирларни ўтказиш объектларининг ишончлилигини ва қурилиш конструкцияларининг барқарорлигини, уларнинг коммуникация, ёнғинга қарши, эвакуация ва бошқа муҳандислик-техник воситалар ҳамда оммавий тадбирлар иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тизимлари билан жиҳозланганлигини аниқлаш мақсадида улар техник ҳолатининг мунтазам мониторинги амалга оширилишини, аниқланган камчиликларнинг объектлар маъмурияти томонидан ўз вақтида бартараф этилиши юзасидан тизимли назорат ўрнатилишини таъминласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги:

бир ой муддатда — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда оммавий тадбирлар ўтказиш объектлари маъмуриятлари ва техник хизматлар раҳбарлари билан оммавий тадбирларни тайёрлаш ва ўтказишда қонунчиликка, қурилиш, ёнғинга қарши, экология ҳамда санитария-гигиена нормалари ва талабларига риоя этиш, шунингдек фавқулодда вазиятлар юзага келганда ҳаракат қилиш масалалари бўйича инструктаж ўтказилишини ташкил этсин;

идоравий мансуб ташкилотлар томонидан ушбу қарор талабларига риоя этилишини назорат қилиш юзасидан зарур чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминласин.

5. Вазирликлар ва идоралар икки ой муддатда ўзларининг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икромов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2014 йил 29 июль,
205-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2014 йил 29 июлдаги 205-сон қарорига
1-ИЛОВА

Оммавий тадбирларни ўтказиш ҚОИДАЛАРИ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Қоидалар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида оммавий тадбирларни ташкил қилиш ва ўтказиш тартибини белгилайди ҳамда улар иштирокчилари, оммавий тадбирларни ўтказиш объектлари маъмуриятларининг, ички ишлар органларининг оммавий тадбирларни ўтказишда фуқароларнинг хавфсизлигини ва жамоат тартибини таъминлаш бўйича ўзаро муносабатлари, мажбуриятлари ва ҳуқуқларини тартибга солади.

2. Ушбу Қоидаларнинг амал қилиши йиғилишлар, намойишлар, кўча юришлари ва намойишларини, шунингдек тўй, оилавий, юбилей, вафот этганлар хотирасига бағишланган оилавий аза маросимлари ва тадбирларни ўтказишга татбиқ этилмайди.

3. Ушбу Қоидаларда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

оммавий тадбирни ўтказиш объектининг маъмурияти — тасарруфида, фойдаланишида, ихтиёрида оммавий тадбирни ўтказиш объекти жойлашган давлат органи, юридик ёки жисмоний шахс;

оммавий тадбир — 100 ва ундан кўп кишиларнинг иштирокида ижтимоий-сиёсий (анжуманлар, конференциялар, съездлар ва бошқалар), маданий-оммавий ва кўнгилочар-томоша дастурлари (муסיкий, адабий ва бошқа фестиваллар, концерт, театр, спорт, реклама тадбирлари, халқ сайиллари, цирк, миллий намойишлар ва ўйинлар, кўрик-танловлар ва бошқалар), шунингдек умумхалқ, диний, касб байрамларини ўтказиш мақсадида оммавий тадбирни ўтказиш объектида ташкил қилинадиган фуқароларнинг бирликда қатнашишлари;

биринчи тоифадаги оммавий тадбир — 200 ва ундан кўп кишилар иштирокида Тошкент, Нукус шаҳарлари ва вилоят марказлари ҳудудида ўтказиладиган оммавий тадбир;

иккинчи тоифадаги оммавий тадбир — биринчи тоифага кирмайдиган оммавий тадбир;

оммавий тадбирни ўтказиш объекти — оммавий тадбирларни ўтказиш учун махсус мўлжалланган ёки мослаштирилган, ёнғинга қарши хавфсизлик, тез тиббий ёрдам кўрсатиш, эвакуация қилиш, коммуникация, муҳандис-техник ҳимоя воситалари ва оммавий тадбир иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашнинг бошқа воситалари ва тизимлари билан жиҳозланган, биринчи ва иккинчи тоифадаги оммавий тадбирларни ўтказиш объектлари рўйхатларига киритилган очиқ жой участкалари, бинолар, иншоотлар ва бошқа жойлар (маданият-маърифат муассасалари, спорт мажмуалари ва бошқалар);

оммавий тадбир ташкилотчиси — оммавий тадбирни ташкил қилиш ва ўтказиш мажбуриятини ўз зиммасига олган давлат органи, юридик шахс ва 18 ёшга етган жисмоний шахс;

оммавий тадбир дастури — оммавий тадбирни ўтказиш мақсадлари, объекти, санаси ва аниқ вақтини, ҳар бир босқичини ўтказиш учун жавобгар бўлган шахсларни кўрсатган ҳолда унинг асосий босқичларининг вақт бўйича жадвалини (босқичма-босқич режасини), фойдаланиладиган техник ва муҳандис-техник воситалар (сахна майдончаси, овоз кучайтириш, электр таъминоти манбаи, чироқ ва пиротехника билан безатилиши, тиббий хизмат кўрсатиш, оммавий тадбир ўтказилгандан кейин ҳудуднинг йиғиштирилиши)ни белгилаб берувчи, оммавий тадбирни ўтказиш объектининг маъмурияти билан келишув бўйича оммавий тадбир ташкилотчиси томонидан тасдиқланган ҳужжат;

оммавий тадбирни ўтказиш учун рухсатнома — оммавий тадбирни ўтказиш ҳуқуқини берадиган, ваколатли орган томонидан қабул қилинадиган ва оммавий тадбир ташкилотчисига бериладиган қарор;

оммавий тадбирни ўтказиш объектига туташ ҳудудлар — чегаралари маҳаллий ҳокимият органларининг қарорлари билан белгиладиган жой участкалари;

ваколатли орган — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимликлари;

оммавий тадбир иштирокчилари — оммавий тадбир дастурида кўзда тутилган оммавий тадбирларни амалга оширувчи ташкилотчилар, артистлар, спортчилар ва бошқа шахслар, шунингдек томошабинлар.

4. Оммавий тадбирлар биринчи ва иккинчи тоифадаги оммавий тадбирларни ўтказиш объектлари рўйхатига киритилган объектларда ўтказилиши мумкин.

Биринчи тоифадаги оммавий тадбирларни ўтказиш объектларининг рўйхати Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг таклифлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Иккинчи тоифадаги оммавий тадбирларни ўтказиш объектларининг рўйхатлари туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларининг таклифлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тасдиқланади.

Айрим оммавий тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг қарорлари асосида, биринчи ва иккинчи тоифадаги оммавий тадбирларни ўтказиш объектларининг рўйхатларига киритилмаган жойларда ўтказилиши мумкин.

5. Оммавий тадбир уни ўтказишда хавфсизликни таъминлаш тўғрисида ички ишлар органлари билан шартнома тузилгандан кейин оммавий тадбирни ўтказиш учун рухсатнома (кейинги ўринларда рухсатнома деб аталади) асосида, оммавий тадбир дастурига мувофиқ оммавий тадбирнинг ташкилотчиси томонидан ўтказилади.

Рухсатнома олгунга қадар оммавий тадбирнинг ташкилотчиси ва бошқа шахслар оммавий ахборот воситаларида, Интернет тармоғида оммавий тадбирнинг ўтказилиши тўғрисида эълон бериш, реклама материалларини тарқатиш, оммавий тадбирни ўтказиш жойи, санаси ва вақти тўғрисидаги маълумотларни бошқа тарзда тарқатиш, чипталар сотилишини амалга ошириш ҳуқуқига эга эмас.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида белгиланган оммавий тадбирларни ўтказиш объектларида оммавий тадбирларни ўтказиш учун рухсатномалар олиш талаб қилинмайди.

7. Халқаро ва умумдавлат аҳамиятига эга бўлган оммавий тадбирларни ўтказиш учун рухсатномалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишув бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан берилади.

8. Биринчи тоифадаги оммавий тадбирларни ўтказиш учун рухсатномалар Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва вилоят ички ишлар бошқармасининг раҳбарияти билан келишув бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан берилади.

Иккинчи тоифадаги оммавий тадбирларни ўтказиш учун рухсатномалар туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари томонидан берилади.

9. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида «Наврўз», «Мустақиллик» ва «Янги йил» умумхалқ байрамларини ўтказиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларига мувофиқ ташкил қилинадиган оммавий тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг қарорлари асосида ўтказилади.

10. Рухсатномалар, одатда, оммавий тадбир ташкилотчисининг ариза-сида кўрсатилган муайян тадбирни бир маротаба ўтказиш учун берилади.

Бир қатор оммавий тадбирлар бир турдаги дастур бўйича айнан битта оммавий тадбирни ўтказиш объектида айнан битта оммавий тадбирнинг ташкилотчиси томонидан ўтказилган тақдирда (киносанслар, театр спектакллари, цирк томошалари ва шу кабилар) оммавий тадбир иштирокчисининг аризасига кўра ваколатли орган томонидан оммавий тадбирларнинг умумий сонини кўрсатган ҳолда, бир йилгача амал қилиш муддати билан, бир қатор оммавий тадбирларни ўтказиш учун ягона рухсатнома берилиши мумкин.

11. Аризани кўриб чиқиш ва рухсатномани бериш ёки унинг берилишини рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш ушбу Қоидаларнинг 1-илова-сида берилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

12. Тегишли ҳужжатлар билан рухсатномаларни бериш тўғрисидаги аризаларни қабул қилиш, уларни кўриб чиқиш, рухсатномаларни бериш ёки рухсатномалар беришни рад этиш, уларни қайта расмийлаштириш, амал қилиш муддатини узайтириш, тўхтатиб туриш, амал қилишини тўхтатиш ёки

рухсатномани бекор қилиш тўғрисидаги таклифларни тайёрлаш ва ваколатли органлар томонидан кўриб чиқишга киритиш, шунингдек оммавий тадбирларни ташкил қилиш ва ўтказиш тартибига риоя этилишини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари ҳузурида ташкил қилинадиган оммавий тадбирлар ўтказилишини назорат қилиш комиссиялари (кейинги ўринларда комиссиялар деб аталади) томонидан амалга оширилади.

13. Комиссияни ваколатли орган раҳбарининг тегишли ўринбосари бошқаради. Комиссиянинг таркибига ҳудудий ички ишлар органлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотларнинг вакиллари кирилади.

Биринчи тоифадаги оммавий тадбирни ўтказиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишда комиссия таркибига Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва вилоят ички ишлар бошқармасининг ижтимоий-сиёсий, маданий-оммавий тадбирларни ўтказишда хавфсизликни таъминлаш бўлини маси (кейин ўринларда ОБОКМ бўлини маси деб аталади) командири киритилади.

Комиссиянинг фаолияти таклиф қилинаётган масалаларни жамоа бўлиб, эркин ва очиқ муҳокама қилишга, комиссия аъзоларининг уларнинг хизмат фаолияти соҳаси бўйича билимдонлигига асосланади.

Комиссиянинг шахсий таркиби ва унинг иш регламенти тегишли ваколатли орган томонидан тасдиқланади.

Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтганда унинг таркибига уларнинг ўрнига янгидан тайинланган ёки зиммасига тегишли функцияларни бажариш юланган шахслар киритилади.

14. Ўз функцияларини бажаришда комиссия бевосита жойига борган ҳолда, оммавий тадбирни ўтказиш объектининг маъмуриятида ва оммавий тадбирнинг ташкилотчисиди уни ўтказиш учун талаб қилинадиган шароитларни текшириш, бундай текширувларни амалга ошириш учун ишчи гуруҳлар ташкил қилиш, зарур ҳулосалар ва маълумотларни тақдим этиш учун манфаатдор ташкилотларнинг малакали мутахассислари ва экспертларини белгиланган тартибда жалб қилиш ҳуқуқига эга.

15. Оммавий тадбирларни ўтказишда фуқароларнинг хавфсизлигини ва жамоат тартибини таъминлаш чора-тадбирлари:

биринчи тоифадаги оммавий тадбирларни ўтказишда — ОБОКМ бўлини малари;

иккинчи тоифадаги оммавий тадбирларни ўтказишда — ҳудудий ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади.

Оммавий тадбирнинг аҳамияти, характери, иштирокчиларининг сони, оммавий тадбирни ўтказиш объектининг кўлами, хусусиятларига ва бошқа муайян шартларга боғлиқ ҳолда, рухсатнома шартларига мувофиқ ОБОКМ бўлини малари ва ҳудудий ички ишлар органлари биринчи ёки иккинчи тоифадаги оммавий тадбирларни ўтказишда фуқароларнинг хавфсизлигини ва

жамоат тартибини таъминлашга доир чора-тадбирларни биргаликда амалга оширишга жалб этилиши мумкин.

16. Оммавий тадбирларни ўтказишда фуқароларнинг хавфсизлигини ва жамоат тартибини таъминлашга доир чора-тадбирлар оммавий тадбирнинг иштирокчиси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва вилоят ички ишлар бошқармаси билан биргаликда тузиладиган оммавий тадбирларни ўтказишда хавфсизликни таъминлаш шартномаларига кўра ички ишлар органлари томонидан пулли асосда амалга оширилади (ҳомийлик ва диний мақсадларда ўтказиладиган оммавий тадбирлардан ташқари).

Оммавий тадбирларни ўтказишда хавфсизликни таъминлаш тўғрисидаги шартномаларга мувофиқ хизматлар кўрсатишдан тушадиган пул маблағлари Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва вилоят ички ишлар бошқармасининг бюджетдан ташқари махсус ҳисоб рақамларига ўтказилади.

II. Оммавий тадбирларни ўтказишнинг умумий шартлари

17. Оммавий тадбирларни ўтказишда рухсат берувчи талаблар ва шартларга қуйидагилар кириди:

а) оммавий тадбирнинг иштирокчиси томонидан оммавий тадбирни тайёрлаш ва ўтказишни тартибга солувчи ушбу Қоидалар ва бошқа қонун ҳужжатлари нормалари талабларига мажбурий риоя қилиниши;

б) оммавий тадбир иштирокчисининг ушбу Қоидаларда белгиланган талабларга жавоб бериши;

в) оммавий тадбирнинг ушбу Қоидалар талабларига жавоб берадиган оммавий тадбирни ўтказиш объектида ўтказилишини таъминлаш;

г) оммавий тадбир ўтказилишининг жойи ва вақти бўйича бошқа оммавий тадбир билан тўғри келиб қолмаслиги;

д) жамоат транспортининг мавжудлиги ёки оммавий тадбир тугагандан кейин оммавий тадбир ташкилотчиси томонидан тадбир иштирокчиларининг жамоат транспортдан фойдаланишларини таъминлаш;

е) оммавий тадбирнинг рухсатнома шартларига ва оммавий тадбир дастурига мувофиқ ўтказилиши.

18. Оммавий тадбирларнинг қуйидаги талабларга жавоб берадиган оммавий тадбир ўтказиш объектида ўтказилишига йўл қўйилади:

а) оммавий тадбирларни тайёрлашда ва ўтказишда оммавий тадбирни ўтказиш объекти маъмуриятининг қонун ҳужжатлари, қурилиш нормалари ва қоидалари, хавфсизлик техникаси, йўл ҳаракати хавфсизлиги, жамоат тартиби, ёнғинга қарши қоидалар, экология ва санитария-гигиена нормалари ҳамда талабларига мажбурий риоя қилиниши;

б) муҳандис-техник, коммуникация, ёнғинга қарши, эвакуация ва оммавий тадбир иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашнинг бошқа воситалари ва тизимларини, бориш йўллари ва транспорт воситаларининг

тўхташ жойлари, дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш пунктлари, шунингдек ёнғин ва бошқа фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун зарур бўлган техник ускуна, махсус воситаларнинг ҳисоб-китоб қилинган захираси ва турларининг мавжудлиги ва ишга соз ҳолатдалиги;

в) техник фойдаланиш қоидалари (муҳандислик, қурилиш конструкциялари ва техник тизимларнинг ишончилиги ва барқарорлиги), иштирокчиларни эвакуация қилиш йўлларининг белгиланган нормативларга мувофиқлиги, ёнғин ва санитария-эпидемияга қарши хавфсизликни, оммавий тадбирни ўтказишнинг зарур спорт-технологик шартларини таъминлаш, шу жумладан:

барча турдаги техник хизматлар учун хавфсизлик техникаси йўриқномалари;

ходимлар учун лавозим йўриқномалари;

ёнғин ва бошқа фавқулодда вазиятларда ходимлар хатти-ҳаракатларининг режаси;

г) оммавий тадбирни ўтказишда оммавий тадбирни ўтказиш объектидан фойдаланишнинг умумий тартибини белгиловчи ҳужжатларнинг мавжудлиги, шу жумладан:

махаллий шароитлар ва ўзига хосликни ҳисобга олган ҳолда тегишли ҳокимлик томонидан тасдиқланган ушбу объектда оммавий тадбирларни ташкил қилиш ва ўтказишни тартибга солувчи йўриқнома;

оммавий тадбирни ўтказиш объектининг ҳудуди бўйлаб томошабинларнинг ҳаракатланишини, трибуналарни тўлдириш ва эвакуация қилиш йўллари, чипта кассалари, овқатланиш пунктлари, гардероблар, дам олиш, тиббий ёрдам, ёнғинга қарши жихозлар ва ускуналарни жойлаштириш жойларини ташкил қилиш схемалари, оммавий тадбир иштирокчиларининг хатти-ҳаракатлари қоидалари;

оммавий тадбир объектининг маъмурияти томонидан тасдиқланган оммавий тадбирни ўтказишга оммавий тадбирни ўтказиш объекти ва хизматларининг тайёрлиги тўғрисидаги далолатнома;

оммавий тадбир иштирокчиларининг оммавий тадбирни ўтказиш объектида ўзларини тутиш қоидалари;

оммавий тадбирни ўтказиш объектига олиб юрилиши тақиқланган предметлар рўйхати;

д) ходимларни ёнғин ва бошқа фавқулодда вазиятлардаги хатти-ҳаракатларга мунтазам ўқитилишини ташкил қилиш.

19. Суд томонидан ишга лаёқатсиз ёки лаёқати чекланган деб топилган, суд ҳукмига кўра озодликдан маҳрум этиш жойларидаги, йил давомида оммавий тадбирларни ўтказиш қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарликка такроран тортилган жисмоний шахслар, шунингдек фаолияти қонун томонидан белгиланган тартибда тўхтатиб қўйилган ёки тақиқланган нодавлат нотижорат ташкилотлари оммавий тадбирларнинг ташкилотчилари бўла олмайдилар.

20. Рухсатнома олмасдан, шунингдек жамиятнинг ахлоқий асосларини, умуминсоний қадриятларни бузишга қаратилган, конституциявий тузумни ноқонуний ўзгартириш ёки Ўзбекистон Республикасининг ҳудудий яхлит-

лигини бузиш, уруш, зўравонлик ва шафқатсизлик, ижтимоий, иркий, миллатчилик ва диний адоватни кўзга, қонунда тақиқланган бошқа ҳаракатларни содир этиш мақсадидаги оммавий тадбирларни ўтказиш тақиқланади.

III. Рухсатнома олиш учун зарур ҳужжатлар

21. Рухсатнома олиш учун оммавий тадбир ташкилотчиси оммавий тадбирни ўтказиш мўлжалланган санадан олдин ўттиз иш кунидан кечиктирмай қуйидаги ҳужжатларни комиссияга тақдим этади:

а) ушбу Қоидаларнинг 2-иловасидаги шакл бўйича рухсатнома бериш тўғрисидаги ариза;

б) оммавий тадбирни ўтказиш объектининг маъмурияти билан келишувга кўра оммавий тадбир ташкилотчиси томонидан тасдиқланган оммавий тадбирнинг дастури;

в) оммавий тадбирнинг ташкилотчиси — юридик шахс учун (давлат органларидан ташқари) — юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси; якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти доирасида оммавий тадбирни ташкил қилувчи оммавий тадбирнинг ташкилотчиси — жисмоний шахс учун — якка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси; оммавий тадбирнинг ташкилотчиси — жисмоний шахс учун — паспорт (шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжат)нинг нусхаси;

г) агар оммавий тадбирнинг ўтказилиши лицензияланадиган фаолият турларини амалга ошириш ва (ёки) рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжат олиншини талаб қилувчи ҳаракатларни бажариш билан боғлиқ бўлса, фаолиятнинг айрим турларини амалга ошириш ва (ёки) ҳаракатларни бажариш ҳуқуқини берувчи лицензия (рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжат)нинг нусхаси.

22. Оммавий тадбир ташкилотчисидан ушбу Қоидаларнинг 21-бандида назарда тутилмаган ҳужжатларни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

23. Рухсатнома олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар оммавий тадбир ташкилотчиси томонидан почта алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан бевосита комиссияга тақдим этилади. Электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатлар оммавий тадбир ташкилотчисининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

24. Рухсатномани олиш учун комиссияга тақдим этилган ҳужжатлар рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхат ҳужжатлар комиссия томонидан қабул қилинган санани белгилаган ҳолда дарҳол оммавий тадбир ташкилотчисига берилади (юборилади).

IV. Аризани кўриб чиқиш ва рухсатнома бериш ёки уни беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш

25. Комиссия оммавий тадбир ташкилотчисининг аризасини олинган

кундан бошлаб икки иш кунидан кечикмай оммавий тадбирни ўтказиш учун розилик олиш мақсадида қуйидагиларга сўровнома юборади:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига — халқаро ва умумдават аҳамиятига эга бўлган оммавий тадбирни ўтказиш учун рухсатнома бериш тўғрисидаги ариза олинганда;

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва вилоят ички ишлар бошқармаси раҳбариятига — биринчи тоифадаги оммавий тадбирни ўтказиш учун рухсатнома бериш тўғрисидаги ариза олинганда.

Сўровномага рухсатнома бериш тўғрисидаги аризанинг нусхаси илова қилинади.

Оммавий тадбирни ўтказиш учун ёзма шаклдаги розилик ёки розилик беришнинг рад этилганлиги тўғрисидаги асосланган хулоса комиссиянинг сўровномаси олинган кундан бошлаб уч иш кунидан кечикмай комиссияга юборилади.

26. Хужжатларни кўриб чиқиш, улар бўйича хулосаларни тайёрлаш ва ваколатли орган раҳбарига рухсатнома бериш ёки рухсатнома беришни рад этиш тўғрисидаги таклифларни тақдим этиш оммавий тадбирни ўтказиш учун рухсатнома бериш тўғрисидаги ариза бўйича комиссия томонидан:

биринчи тоифадаги оммавий тадбир учун — оммавий тадбир ташкилотчисининг аризаси олинган кундан бошлаб ўн беш иш кунидан ошмайдиган муддатда;

иккинчи тоифадаги оммавий тадбир учун — оммавий тадбир ташкилотчисининг аризаси олинган кундан бошлаб ўн иш кунидан ошмайдиган муддатда амалга оширилади.

27. Ваколатли орган раҳбари комиссия таклифлари олинган кундан бошлаб беш иш кунидан кеч бўлмаган муддатда хужжатларни кўриб чиқади ва рухсатномани имзолаган ҳолда оммавий тадбир ташкилотчисига бериш ёки рухсатнома берилишини рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

28. Рухсатнома бериш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рухсатнома бериш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадан бошлаб бир иш кунидан кечикмай рухсатнома комиссия томонидан оммавий тадбир ташкилотчисига юборилади (топширилади).

29. Рухсатномада ҳисобга олиш серияси (ММ I — биринчи тоифадаги оммавий тадбирлар учун, ММ II — иккинчи тоифадаги оммавий тадбирлар учун), тартиб рақами ва берилган санаси бўлади, у ваколатли орган раҳбари томонидан имзоланади ва Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ҳамда ваколатли органнинг номи ёзилган муҳр билан тасдиқланади.

Рухсатнома бланкалари ваколатли органнинг буюртмасига биноан ушбу Қоидаларнинг 3-иловасидаги шакл бўйича босмаҳона усулида тайёрланади.

30. Рухсатнома бериш рад этилганлиги тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рухсатномани бериш рад этилганлиги тўғрисидаги хабарнома рад этиш сабаблари, муайян қонун хужжатларининг нормалари ва оммавий тадбир ташкилотчиси кўрсатилган сабабларни бартараф этиб такроран кўриб

чиқилиши учун ҳужжатларни тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда, қарор қабул қилинган санадан бошлаб бир иш кунидан кечикмай, ёзма шаклда комиссия томонидан оммавий тадбир ташкилотчисига юборилади (топширилади). Оммавий тадбир ташкилотчиси рад этиш сабабларини бартараф этиб ва такроран кўриб чиқиш учун ҳужжатларни тақдим этиш ҳуқуқига эга бўлган муддат рухсатномани бериш рад этилганлиги тўғрисидаги ёзма хабарнома олинган кундан бошлаб ўн иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

31. Рухсатнома бериш қўйидаги асосларга кўра рад этилиши мумкин:

оммавий тадбир ташкилотчиси томонидан ушбу Қоидаларнинг 21-бандида кўрсатилган ҳужжатларнинг тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этилиши;

оммавий тадбир ташкилотчисининг ушбу Қоидаларнинг 17-бандида назарда тутилган рухсат берувчи талаблар ва шартларга жавоб бермаслиги;

оммавий тадбир ташкилотчиси томонидан тақдим этилган ҳужжатларда ишончли бўлмаган ёки бузиб кўрсатилган маълумотларнинг мавжудлиги;

оммавий тадбирни ўтказиш объектининг ёнғинга қарши ва санитария-эпидемияга қарши хавфсизлик, тез тиббий ёрдам кўрсатиш, эвакуация қилиш, коммуникация, муҳандис-техник муҳофаза қилиш воситалари ва оммавий тадбир иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашнинг бошқа воситалари ва тизимлари билан жиҳозланганлик тизимларига қўйиладиган Ягона норматив-ҳуқуқий талабларга мувофиқлиги жиҳатидан тайёргарлигини ўрганиш, тадқиқ қилиш, кузатиш ва бошқа илмий ва техник баҳолаш якунлари бўйича комиссиянинг асосланган салбий хулосасининг мавжудлиги.

Рухсатнома беришни бошқа асослар бўйича, шу жумладан мақсадга номувофиқлик сабаблари бўйича рад этишга йўл қўйилмайди.

32. Оммавий тадбир ташкилотчиси томонидан рухсатнома берилишини рад этиш учун асос бўлган сабаблар белгиланган муддатда бартараф этилган тақдирда, ҳужжатларнинг тўлиқ кўриб чиқилиши, рухсатноманинг берилиши ёки уни беришнинг рад этилиши тўғрисидаги қарорнинг қабул қилиниши оммавий тадбир ташкилотчисининг рад этиш сабаблари бартараф этилганлиги тўғрисидаги аризаси ва рад этиш сабаблари бартараф этилганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар олинган кундан бошлаб етти иш кунидан ошмайдиган муддатда амалга оширилади.

33. Рухсатнома бериш рад этилганлиги тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган муддат тугагандан кейин оммавий тадбир ташкилотчиси томонидан берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади ва умумий асосда кўриб чиқилади.

34. Ҳужжатлар қайта кўриб чиқиладиганда комиссия томонидан оммавий тадбир ташкилотчисига аввал баён қилинмаган рад этиш сабаблари кўрсатилишига йўл қўйилмайди, аввал кўрсатилган сабабларнинг бартараф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар билан боғлиқ рад этиш сабабларининг кўрсатилиши бундан мустасно.

35. Оммавий тадбир ташкилотчиси рухсатномани бериш рад этилганлиги, шунингдек комиссия ёки ваколатли орган мансабдор шахсининг ҳара-

катлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан белгиланган тартибда юқори органларга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

36. Рухсатнома бериш тўғрисидаги ариза кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

V. Оммавий тадбирни ўтказишга тайёргарлик кўриш

37. Оммавий тадбир ташкилотчиси рухсатнома олгандан кейин оммавий тадбир бошланишидан ўн иш куни олдин ички ишлар органлари билан оммавий тадбирни ўтказиш вақтида хавфсизликни таъминлаш тўғрисида шартнома тузиши шарт. Оммавий тадбирни ўтказиш вақтида фуқароларнинг хавфсизлигини ва жамоат тартибини таъминлаш бўйича ички ишлар органлари хизматларининг қиймати ушбу Қоидаларнинг 4-иловасига мувофиқ хизматлар қийматини ҳисоб-китоб қилиш асосида белгиланади.

Оммавий тадбир ташкилотчиси томонидан оммавий тадбирни ўтказиш вақтида хавфсизликни таъминлаш тўғрисида ички ишлар органлари билан шартнома тузилиши, пул маблағларининг келиб тушиши ва улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш рухсатномага кўра оммавий тадбирни ўтказиш вақтида зиммасига фуқароларнинг хавфсизлигини ва жамоат тартибини сақлаш чора-тадбирларини бажариш юкланган ички ишлар органи томонидан амалга оширилади.

38. Оммавий тадбирни ўтказишда фавқулодда вазиятлар юзага келиши ёки фуқароларнинг хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга таҳдид солувчи ҳолатлар юзага келганда комиссия томонидан янги юзага келган ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда, объектнинг рухсат берилган оммавий тадбирни ўтказишга тайёрлигини ва оммавий тадбирни ўтказиш учун оммавий тадбир ташкилотчиси ва оммавий тадбирни ўтказиш объектининг маъмурияти томонидан амалга ошириладиган тайёргарлик чора-тадбирлари ҳолатини ўрганувчи ишчи гуруҳ ташкил қилинади.

Ишчи гуруҳ таркибига оммавий тадбирни ўтказиш объектининг хусусиятларини, унинг характерини ва иштирокчиларнинг сонини ҳисобга олган ҳолда ваколатли орган, ҳудудий ички ишлар органлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, оммавий тадбир ташкилотчиси ва оммавий тадбирни ўтказиш объектининг маъмурияти, бошқа манфаатдор ташкилотларнинг вакиллари киритилади. Ишчи гуруҳ таркибига, шунингдек оммавий тадбирни ўтказиш вақтида рухсатнома билан зиммасига фуқароларнинг хавфсизлигини ва жамоат тартибини таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш юкланган ички ишлар органининг вакиллари киритилади.

Зарурат бўлганда, комиссия томонидан фаолиятнинг айрим йўналишлари (муҳандис-техник коммуникациялари, энергия таъминоти ва ёнғин хавфсизлигини, йўл ҳаракати хавфсизлигини, иштирокчиларнинг эвакуация қилинишини, фавқулодда вазиятларнинг олди олинишини таъминлаш ва ҳ. к.) бўйича бир неча ишчи гуруҳлар ташкил этилиши мумкин.

39. Тадбирнинг характери, об-ҳаво шароитлари ва оммавий тадбирни

ўтказишда фуқаролар хавфсизлигини ва жамоат тартибини таъминлашга таъсир кўрсатувчи бошқа омилларга боғлиқ ҳолда, ишчи гуруҳ унинг ўтказилишидан икки сутка олдин оммавий тадбирни ўтказиш объектини текширади ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўради. Ишчи гуруҳ томонидан ўтказилган текширув якунлари бўйича оммавий тадбирнинг ўтказилиш имконияти юзасидан текширув далолатномаси тузилади.

Далолатнома оммавий тадбирни ўтказиш объектининг оммавий тадбирни ўтказишга тайёрлигини, уни ўтказиш санаси ва вақтини, иштирокчиларининг сонини, прогноз қилинган об-ҳаво шароитларини, бориш йўллари ва транспорт воситалари туриш жойларининг мавжудлиги ҳамда жойлашувини, тиббий хизмат кўрсатиш ва оммавий тадбир ўтказилгандан кейин ҳудудни йиғиштириш билан боғлиқ харажатларни, оммавий тадбирни ўтказишда фуқароларнинг хавфсизлигини ва жамоат тартибини таъминлашга таъсир кўрсатувчи бошқа ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда тузилади.

40. Оммавий тадбирни ўтказишдан олдин бартараф этиш мумкин бўлмаган фуқароларнинг хавфсизлигини ва жамоат тартибини таъминлаш чоратадбирларининг амалга оширилишини мураккаблаштирувчи ҳолатлар аниқланганда ишчи гуруҳ оммавий тадбирни ўтказиш санаси ва вақтининг кечроқ муддатга кўчирилишини, уни томошабинларсиз ўтказилиши ёки оммавий тадбирнинг бекор қилиниши тўғрисидаги таклифни ваколатли орган раҳбарига киритади.

41. Ваколатли орган раҳбари оммавий тадбир ўтказилишидан ўттиз олти соат олдин ишчи гуруҳ таклифларини кўриб чиқади ва улар бўйича тегишли қарор қабул қилади.

42. Ваколатли органнинг раҳбари томонидан оммавий тадбирни ўтказиш санаси ва вақтини кечроқ муддатга кўчириш, уни томошабинларсиз ўтказиш ёки оммавий тадбирни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда комиссия ва оммавий тадбир ташкилотчиси оммавий тадбир бошланишидан камида йигирма тўрт соат олдин томошабинларнинг ва бошқа иштирокчиларнинг қабул қилинган қарор, оммавий тадбирни ўтказишнинг янги санаси ва вақти, чипталар қийматини қайтариб бериш шартлари тўғрисида хабардор қилинишини таъминлайди.

Оммавий тадбирни ўтказиш объектида кўринарли жойларда оммавий тадбирни ўтказиш санаси ва вақтининг кечроқ муддатга кўчирилганлиги, унинг томошабинларсиз ўтказилиши ёки оммавий тадбирнинг бекор қилинганлиги тўғрисидаги ахборотлар жойлаштирилиши керак.

43. Оммавий тадбирнинг аҳамияти, характери ва иштирокчиларининг сонини ҳисобга олган ҳолда, ваколатли орган томонидан оммавий тадбирларни тайёрлаш ва ўтказишга доир муайян режаларни ишлаб чиқувчи жалб қилинган ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш учун ташкилий қўмиталар ташкил этилиши мумкин, ушбу режалар жамиятга қарши ҳодисалар профилактикасини, ёнғин ва санитария-эпидемияга қарши хавфсизликни, тиббий таъминотни таъминлайди, оммавий тадбирларни ўтказиш жойларини тўлдириш ва иштирокчиларни эвакуация қилиш тартибини, фавқу-

лодда ҳолатлар юзага келганда турли хизматларнинг вазифаларини кўзда тутади.

44. Оммавий тадбир ташкилотчиси комиссияни, оммавий тадбирни ўтказишда рухсатнома билан зиммасига фуқароларнинг хавфсизлигини ва жамоат тартибини таъминлаш чора-тадбирлари юкланган ички ишлар органини ёзма равишда хабардор қилиб, оммавий тадбир иштирокчиларига хабар бериш ва уларга чипталар қийматини қайтариш чораларини кўриб, оммавий тадбирни ўтказмаслик ҳуқуқига эга.

VI. Рухсатномани қайта расмийлаштириш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш, дубликатини бериш

45. Оммавий тадбир ташкилотчиси — оммавий тадбирни ўтказиш рухсатномасига эга бўлган юридик шахс қайта ташкил қилинган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда юридик шахс ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатга олингандан кейин етти иш куни мобайнида кўрсатилган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда, рухсатномани қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризани комиссияга топшириши шарт.

Оммавий тадбир ташкилотчиси — якка тартибдаги тадбиркорга берилган давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномада кўрсатилган оммавий тадбирни ўтказиш учун рухсатнома олган ушбу ташкилотчининг фамилияси, исми, отасининг исми ёки фаолияти жойи ўзгарган тақдирда (оммавий тадбир ташкилотчиси — жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ўзгарганда) жисмоний шахс қайта рўйхатдан ўтгандан (фамилияси, исми, отасининг исми ўзгаргандан) кейин етти иш куни мобайнида кўрсатилган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилиб рухсатномани қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши мумкин.

46. Рухсатнома қайта расмийлаштирилгунгача рухсатномани қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза берган оммавий тадбир ташкилотчиси ёки унинг ҳуқуқий вориси ариза қабул қилинганлиги тўғрисида комиссиянинг белгиси қўйилган рухсатномани қайта расмийлаштириш тўғрисида берилган ариза асосида оммавий тадбирларни ўтказиш фаолиятини амалга оширади.

47. Рухсатномани қайта расмийлаштиришда комиссия оммавий тадбирларни ўтказиш рухсатномалари реестрига (кейинги ўринларда реестр деб аталади) тегишли ўзгартиришларни киритади. Рухсатномани қайта расмийлаштириш ва бериш тегишли ҳужжатлар илова қилинган рухсатномани қайта расмийлаштириш тўғрисидаги ариза комиссия томонидан олинган кундан бошлаб беш иш кунидан кўп бўлмаган муддатда амалга оширилади.

48. Рухсатномани қайта расмийлаштириш учун йиғим ундирилмайди.

49. Бир қатор оммавий тадбирларни ўтказиш учун рухсатноманинг амал қилиш муддати тугагандан кейин ушбу Қоидалар 10-бандининг иккинчи хатбошида белгиланган тартибда у оммавий тадбир ташкилотчисининг аризасига кўра узайтирилиши мумкин. Рухсатнома муддатини узайтириш тўғри-

сидаги ариза рухсатноманинг амал қилиш муддати тугашидан ўттиз иш кунидан олдин комиссияга берилиши керак. Рухсатноманинг амал қилиш муддатини узайтириш уни бериш учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

50. Рухсатнома йўқолган ёки бузилган тақдирда оммавий тадбир ташкилотчисининг аризасига кўра, рухсатноманинг «Дубликат» белгиси қўйилган дубликати берилади, унда рухсатноманинг асл нусхасида кўрсатилган амал қилиш муддати кўрсатилиши керак.

Ваколатли орган ариза олинган кундан бошлаб беш иш кунидан ошмаган муддатда рухсатноманинг дубликатини, шунингдек у бузилган тақдирда рухсатноманинг асл нусхасини бериши (юбориши) шарт.

Дубликат берилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

VII. Рухсатноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва уни бекор қилиш

51. Рухсатноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тўхтатиш, рухсатномани бекор қилиш «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг тегишли равишда 22, 23 ва 25-моддаларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

52. Рухсатнома амал қилишининг белгиланган тартибда тугатилишига асос бўлган рухсат берувчи талаблар ва шартларнинг қўпол равишда бир маротаба бузилишига қуйидагилар кириди:

оммавий тадбир ташкилотчисининг ёки оммавий тадбирни ўтказиш объекти маъмуриятининг рухсат берувчи талаблар ва шартларга риоя қилинишининг белгиланган тартибда ўтказиладиган текширувлардан бош тортиши;

оммавий тадбир ташкилотчиси ёки оммавий тадбирни ўтказиш объекти маъмурияти томонидан рухсат берувчи талаблар ва шартларнинг оммавий тадбирни ўтказишда фуқаролар хавфсизлигини ва жамоат тартибини таъминлаш манфаатларига таҳдид қилувчи фавқулодда вазиятлар ёки бошқа ҳолатларнинг юзага келиш аниқ хавфини пайдо қиладиган тарзда бузилиши;

ушбу Қоидалар 10-бандининг иккинчи хатбошида белгиланган тартибда ўтказиладиган оммавий тадбирлар ёки оммавий тадбирлар дастурлари умумий сонининг ошиб кетиши.

VIII. Рухсатномалар реестри

53. Ваколатли орган реестр юритади, унда қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

оммавий тадбирлар ташкилотчилари тўғрисидаги асосий маълумотлар (оммавий тадбирлар ташкилотчилари — юридик шахсларнинг номлари, уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, почта манзили, телефони, оммавий

тадбирлар ташкилотчилари — жисмоний шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, уларнинг паспорти маълумотлари, почта манзили, телефони); рухсатномалар берилган саналар, ҳисобга олиш сериялари ва рақамлари; ўтказиш учун рухсатномалар берилган оммавий тадбирлар тоифалари; оммавий тадбирларни ўтказиш объектларининг номлари ва жойлашган жойлари;

оммавий тадбирни ўтказишда зиммасига фуқароларнинг хавфсизлигини ва жамоат тартибини таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш юкланадиган ички ишлар органи (ОБОКМ бўлинмаси)нинг номи;

рухсатноманинг амал қилиш муддати (ушбу Қоидалар 10-бандининг иккинчи хатбошида белгиланган тартибда бир қатор оммавий тадбирларни ўтказиш учун рухсатномалар берилган тақдирда);

рухсатномаларни қайта расмийлаштириш, шунингдек уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш (ушбу Қоидалар 10-бандининг иккинчи хатбошида белгиланган тартибда бир қатор оммавий тадбирларни ўтказиш учун рухсатномалар берилган тақдирда), тўхтатиб туриш ва амал қилишини тиклашнинг асослари ва саналари;

рухсатномаларнинг амал қилишини тўхтатишнинг асослари ва саналари;

рухсатномаларни бекор қилишнинг асослари ва саналари;

рухсатномалар дубликатларини беришнинг асослари ва саналари.

54. Рухсатномани бериш тўғрисидаги маълумотлар оммавий тадбир ташкилотчисига рухсатнома берилиши тўғрисида қарор қабул қилинган кунда реестрга киритилади. Реестрдаги барча белгиларга сана қўйилади, масъул шахснинг имзоси ва ваколатли органнинг муҳри билан тасдиқланади.

55. Реестр қоғозда ва электрон манбаларда юритилади. Қоғоз ва электрон манбалардаги ёзувлар ўртасида номувофиклик бўлганда қоғоз манбалардаги ёзувлар устуворликка эга бўлади.

Реестр дафтар тарзидаги қоғоз манбадаги реестр ваколатли орган томонидан ягона нусхада юритилади.

Реестр дафтари тикилади, рақамланади ва унинг орқа томонида бетлари сони, дафтарни юритиш бошланган сана (кун, ой, йил) кўрсатилади, ваколатли орган раҳбарининг имзоси билан тасдиқланади ва унинг муҳри қўйилади.

Реестр ваколатли органнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

Ушбу Қоидаларнинг 53-бандида кўрсатилган реестрдаги маълумотлар ушбу маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатлардаги маълумотларга мос келмаганда, ушбу Қоидаларнинг 53-бандида кўрсатилган маълумотлар уларга тегишли ўзгартиришлар киритилгунга қадар ишончли ҳисобланади.

56. Рухсатномаларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш, тўхтатиб туриш, тиклаш, тўхтатиш ва рухсатномаларни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган кунда ваколатли орган тегишли қайдларни реестрга киритади.

57. Реестрдаги маълумотлардан ҳамма фойдаланиши мумкин. Рухсатномалар берилган оммавий тадбирларнинг муайян ташкилотчилари тўғрисидаги маълумотлар реестрдан кўчирма сифатида тақдим этилади.

Реестрдаги маълумотлар ваколатли орган тегишли сўровномани олган кундан бошлаб бир иш кунидан кечикмай ваколатли орган томонидан тақдим этилади.

IX. Оммавий тадбирларни ўтказишда фуқароларнинг хавфсизлигини ва жамоат тартибини таъминлашга қўйиладиган талаблар, улар иштирокчиларининг, оммавий тадбирларни ўтказиш объектлари маъмуриятларининг ва ички ишлар органларининг уларга риоя қилиш бўйича мажбуриятлари ва ҳуқуқлари

58. Оммавий тадбирни ўтказишда унинг иштирокчилари фуқароларнинг хавфсизлигини ва жамоат тартибини таъминлашга қўйиладиган талабларга риоя қилишга, оммавий тадбир ташкилотчисининг ва фуқаролар хавфсизлиги ҳамда жамоат тартибини таъминлаш бўйича мажбуриятларни бажарувчи ички ишлар органлари ходимларининг қонуний талабларини бажариши шарт.

59. Оммавий тадбирни ўтказиш вақтида оммавий тадбир иштирокчиларига қуйидагилар тақиқланади:

транспорт воситалари ва пиёдаларнинг ҳаракатланишига тўсқинлик қилиш;

оммавий тадбирни ўтказиш объектига туташ ҳудудларда жойлашган ташкилотларнинг узлуксиз ишлашига халақит бериш;

жамоат хавфсизлиги, одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирувчи, оммавий тадбирни ташкил қилиш ва ўтказишнинг белгиланган тартибини бузувчи ёки бундай хатти-ҳаракатларни содир қилишга ундовчи ҳаракатларни бажариш;

ички ишлар органларининг ходимлари томонидан хизмат мажбуриятларини бажаришларига тўсқинлик қилиш мақсадида орган ходимларига, шунингдек жамоат тартибини қўриқлашда кўмак берувчи жамоатчилик вакилларига ҳар қандай шаклда таъсир ўтказиш;

оммавий тадбирни ўтказиш объектининг маъмурияти томонидан тасдиқланган, оммавий тадбирни ўтказиш объектига олиб кирилиши тақиқланган предметлар рўйхатига киритилган совуқ, ўқотар, газли ёки бошқа қуроллар, пиротехника буюмлари, ўқ-дорилар, осон алангаланадиган ва захарли моддалар, санчувчи, кесувчи ва бошқа предметларни, шунингдек фойдаланилиши одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдириши ёки фуқаролар ва ташкилотларга моддий зарар етказиши мумкин бўлган махсус тайёрланган ёки мослаштирилган предметларни олиб юриш (спортчилар томонидан спорт тадбирлари дастурларида кўзда тутилган спорт анжомларидан фойдаланишлари бундан мустасно);

совуқ, ўқотар, газли ёки бошқа қуроллар, портловчи моддалар ва ўқ-дориларнинг имитаторлари ва муляжларини олиб юриш (театр ва театр томошаларида улардан фойдаланиш бундан мустасно);

оммавий тадбирга ҳайвонлар билан келиш (оммавий тадбир дастурига мувофиқ улардан фойдаланиш бундан мустасно);

белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаган нодавлат нотижорат ташкилотларининг эмблемалари, рамзлари, байроқлари ва вимпелларидан, шунингдек мазмуни жамиятнинг ахлокий асосларини, умуминсоний қадриятларни бузишга қаратилган, шунингдек конституциявий тузумни ноқонуний ўзгартириш ёки Ўзбекистон Республикасининг ҳудудий яхлитлигини бузиш, уруш, зўравонлик ва шафқатсизликни тарғиб қилиш, ижтимоий, ирқий, миллатчилик ва диний адоватни қўзғатиш, қонун ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа қилмишларни содир этиш мақсадидаги эмблемалар, рамзлар, байроқлар, вимпеллар, плакатлар, транспарантлар ва бошқа воситалардан фойдаланиш;

маст ҳолатда ёки гиёҳванд воситалар, психотроп ёки бошқа моддаларни истеъмол қилиш оқибатида инсоннинг интеллектуал-ирода фаолиятига таъсир кўрсатувчи ҳолатда бўлиш.

60. Оммавий тадбирни ўтказиш объектида ва оммавий тадбирни ўтказиш объектидан беш юз метрдан кам радиусда алкоғолли маҳсулотларни сотиш оммавий тадбир ўтказилишидан камида икки соат олдин ва ушбу тадбирни ўтказиш вақтида тўхтатилади (олдиндан режалаштирилган тантана ва маросим тадбирлари учун белгиланган тартибда алкоғолли ичимликларни сотиш ҳолатлари бундан мустасно).

61. Оммавий тадбир ташкилотчисининг мажбуриятлари:

оммавий тадбирни ўтказиш объектини танлашда фуқароларнинг хавфсизлигини ва жамоат тартибини таъминлаш шароитларининг мавжудлигини ҳисобга олиш;

оммавий тадбирни ўтказиш вақтини танлашда томошабинлар ва оммавий тадбир бошқа иштирокчиларининг жамоат транспортдан фойдаланишлари имкониятини, ёнғин хавфсизлиги, тез тиббий ёрдам ва бошқа махсус хизматлар транспорт воситаларининг ўтиш йўлларининг мавжудлигини ҳисобга олиш;

ички ишлар органлари ва Миллий хавфсизлик хизмати билан биргаликда — оммавий тадбирда қатнашаётган давлат органлари раҳбарларини, ҳурматли меҳмонларни кутиб олиш ва кузатиш жойларида шароитларни таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

оммавий тадбирни ўтказиш объектининг маъмурияти билан биргаликда — ушбу объектнинг сиғдирувчанлигини ҳисобга олган ҳолда, оммавий тадбир иштирокчиларининг сонини ва оммавий тадбир ўтказиш вақтида фуқароларнинг хавфсизлигини ва жамоат тартибини таъминлашга таъсир кўрсатувчи бошқа омилларни аниқлаш;

ички ишлар органлари ва Миллий хавфсизлик хизмати билан келишилган ҳолда, уларнинг ходимларини жойлаштириш учун томошабинлар жойларининг турли участкаларидаги жойларнинг керакли миқдорини ажратиш;

чипталар (таклифномалар)нинг орқа томонида оммавий тадбирни ўтказиш объектига олиб кирилиши тақиқланган предметлар ва буюмлар рўйха-

ти мавжудлигини таъминлаш ва оммавий тадбирни ўтказиш объектида метталнинг детектор назорати тўғрисида хабардор қилиш;

оммавий тадбирни ўтказишда Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва вилоят ички ишлар бошқармаси билан хавфсизликни таъминлаш тўғрисида шартнома тузиш, шартнома шартларининг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш;

оммавий тадбирни тайёрлаш ва ўтказишда, зарур ҳолда, ички ишлар органларининг ходимларини ташиш учун транспорт воситаларини ажратиш чораларини кўриш;

белгиланган ҳолатларда оммавий тадбирнинг фото-, аудио-, видео- ва кино тасвирга тушириш ва ёзиб олиш тақиқланганлиги тўғрисида оммавий тадбир иштирокчиларини олдиндан хабардор қилиш;

ўтказиладиган оммавий тадбирда доимий бўлиши ёки оммавий тадбирни ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича фармойиш бериш функцияларини бажаришга ваколатли шахснинг ўтказиладиган оммавий тадбирда доимий бўлишини таъминлаш;

оммавий тадбирни ўтказиш шартлари ва тартибига риоя этилишини, бинолар, иншоотлар, транспорт воситалари ва бошқа мол-мулк, яшил ўсимликларнинг сақланишини таъминлаш;

оммавий тадбирни ўтказишда фуқароларнинг хавфсизлигини ва жамоат тартибини таъминлаш масалалари бўйича ички ишлар органлари, Миллий хавфсизлик хизмати ва оммавий тадбирни ўтказиш объектининг маъмурияти билан ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш;

ички ишлар органлари билан биргаликда — оммавий тадбир дастурида кўзда тутилган чиқишлар (ҳаракатлар)ни бевосита амалга оширувчи артистлар, спортчилар ва бошқа шахслар билан оммавий тадбирни ўтказиш вақтида фавқулодда вазиятлар келиб чиққан шароитларда ўзини тутиш қоидалари, хавфсизлик техникаси чораларига риоя қилиш бўйича, шунингдек томошабинларнинг агрессив ҳис-туйғуларини келтириб чиқарувчи хатти-ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмаслик тўғрисида йўл-йўриқ кўрсатиш;

ички ишлар органлари, Миллий хавфсизлик хизмати вакилларининг қонуний талабларини бажариш, фуқароларнинг хавфсизлигини ва жамоат тартибини таъминлашда уларга ёрдам бериш;

оммавий тадбирни ўтказиш вақтида ҳуқуқ-тартиботнинг бузилганлиги ёки жиноят содир этилганлиги аниқланганда бу ҳақда ички ишлар органлари ва Миллий хавфсизлик хизмати ходимларига дарҳол хабар қилиш;

ўтказиладиган оммавий тадбир тўхтатилган тақдирда бу ҳақдаги ахборотни унинг иштирокчиларига етказиш;

оммавий тадбир ташкилотчисининг фарқлаш белгисига эга бўлиш (қўл боғлагичи, бейжик ва ш. к.);

оммавий тадбирни ўтказиш билан боғлиқ масалаларни аниқлаштириш учун комиссиянинг таклифига кўра келиш.

62. Оммавий тадбир ташкилотчисининг ҳуқуқлари:

оммавий тадбирни ўтказишда рухсатнома билан зиммасига фуқаролар-

нинг хавфсизлигини ва жамоат тартибини таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш юкланган ички ишлар органидан оммавий тадбирни ўтказишда хавфсизликни таъминлаш тўғрисидаги шартнома шартларига мувофиқ куч ва техник воситалар ажратилишини талаб қилиш;

оммавий тадбир иштирокчиларидан ушбу Қоидаларга риоя этишларини талаб қилиш;

оммавий тадбир иштирокчилари жамоат тартибини ва ушбу Қоидаларни бузаётган бўлса, улардан оммавий тадбирни ўтказиш объектдан кетишларини талаб қилиш;

оммавий тадбирни ўтказиш объектнинг сигдира олишини ҳисобга олган ҳолда оммавий тадбир иштирокчиларининг ушбу объектга киритилишини тўхтатиш.

63. Оммавий тадбир дастурида назарда тутилган чиқишлар (ҳаракатлар)ни бевосита амалга оширувчи артистлар, спортчилар ва бошқа шахсларнинг мажбуриятлари:

оммавий тадбир дастурида белгиланган чиқишлар (ҳаракатлар) тартибига риоя қилиш;

оммавий тадбирни ўтказишда фуқароларнинг хавфсизлигини ва жамоат тартибини таъминлаш манфаатларига хавф солувчи ҳолатлар юзага келганда оммавий тадбирнинг ташкилотчиси, оммавий тадбирни ўтказиш объекти маъмурияти ва ички ишлар органлари ходимларининг талаби бўйича шу заҳоти чиқишлар (ҳаракатлар)ни тўхтатиш;

томошабинларнинг агрессив ҳис-туйғуларини келтириб чиқарувчи хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик.

64. Оммавий тадбир дастурида назарда тутилган чиқишлар (ҳаракатлар)ни бевосита амалга оширувчи артистлар, спортчилар ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари:

ички ишлар органлари ходимларидан шахсий хавфсизликнинг таъминланишини, шунингдек томошабинларнинг хулқ-атвори билан боғлиқ бўлган нормал чиқиш (ҳаракатлар)га тўсқинлик қилувчи ҳолатларнинг бартараф этилишини талаб қилиш;

оммавий тадбирнинг ташкилотчисидан ва оммавий тадбирни ўтказиш объектнинг маъмуриятидан чиқишга тайёргарлик кўриш учун шароитлар яратилишини талаб қилиш.

65. Оммавий тадбир томошабинларининг мажбуриятлари:

жамоат тартибига ва умумий қабул қилинган хулқ-одоб нормаларига риоя қилиш;

оммавий тадбирни ўтказиш объекти мулкига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш;

оммавий тадбирни ўтказиш объектига ташриф буюриш тартибига риоя қилиш;

оммавий тадбир ташкилотчилари, оммавий тадбирни ўтказиш объекти маъмурияти ва ички ишлар органлари вакилларининг ушбу Қоидалар талабларига, умумий қабул қилинган хулқ-одоб нормаларига ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишга доир қонуний талабларини бажариш.

66. Оммавий тадбир томошабинларининг ҳуқуқлари:

оммавий тадбирни ўтказиш объекти ҳудудига ва трибуналарига чипталар ёки кириш ҳуқуқини берувчи бошқа ҳужжатлар бўйича киришлари ва оммавий тадбирни ўтказиш объектининг умумий сифими доирасида уларда кўрсатилган жойларни эгаллаш;

оммавий тадбирни ўтказиш объектида жойлашган сақлаш камералари, гардероблар, буфетлар, қаҳвахоналар, маълумотлар бюроси, телефонлар, киоскалар ва шу кабилардан белгиланган тартибда фойдаланиш.

67. Оммавий тадбирни ўтказиш объекти маъмуриятининг мажбуриятлари:

оммавий тадбирни ўтказиш объектида мавжуд бўлган барча муҳандислик ва хабар бериш тизимлари, қўриқлаш ва физик муҳофаза қилиш, электрон-визуал кузатиш муҳандис-техник воситаларининг узлуксиз ишлашини, хавфсизликни таъминлаш тизимларини бошқаришнинг стационар (кўчма) пунктларининг тайёрлигини, томошабинлар жойлари (трибуналар), оммавий тадбир иштирокчиларини эвакуация қилиш йўлларининг тайёрлигини, ўт ўчириш воситаларининг мавжудлиги ва созлигини, оммавий тадбирни ўтказиш объектидаги ходимларнинг фавқулодда вазиятлар келиб чиққан тақдирда уларнинг ҳаракатларини тартибга солувчи хизмат йўриқномаларини билишларини таъминлаш;

оммавий тадбир ташкилотчисига томошабинлар ва оммавий тадбирнинг бошқа иштирокчилари учун мўлжалланган жойларнинг сони тўғрисидаги ахборотни тақдим этиш, оммавий тадбирни ўтказиш объектининг сифимига мувофиқ чипталар (таклифномалар)нинг сотилиши (берилиши)ни таъминлаш;

оммавий тадбирни ўтказиш объектининг санитария нормалари ва қоидаларига мувофиқлигини, оммавий тадбирни ўтказиш объекти ва оммавий тадбирни ўтказиш объектига туташ ҳудудларнинг зарур даражада ёритилишини таъминлаш;

оммавий тадбирни ўтказиш объектининг кўринарли жойларида хавфсизлик белгилари, эвакуация қилиш кўрсаткичларини, ҳаракатланиш қоидаларини, схемалари, режалари ва йўриқномаларини, ёнғинга қарши хавфсизлик қоидаларини жойлаштириш;

оммавий тадбир ўтказилишидан бир сутка олдин сотилган чипталар (берилган таклифномалар)нинг сони, томошабинлар ва оммавий тадбирдаги бошқа иштирокчиларнинг тахминий сони тўғрисидаги ахборотни ички ишлар органларига тақдим этиш;

авариявий (автоном) электр таъминоти манбаи (дизель агрегати ёки бошқа воситалар), уларни қўллаш йўриқномаларининг мавжудлигини таъминлаш ва улардан фойдаланилиши учун масъул шахсни тайинлаш;

тадбир бошлангунга қадар оммавий тадбирни ўтказиш объектининг маҳаллий радиотрансляция тармоғи (овоз кучайтиргич) орқали оммавий тадбирни ўтказиш объектида томошабинлар ва бошқа иштирокчиларнинг ўзларини тутиш қоидалари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари эълон қилинишини ташкил этиш;

оммавий тадбирни ўтказиш объектига киришда, оммавий тадбирни ўтказиш объектида томошабинларни ва бошқа иштирокчиларни чипталар (таклифномалар) бўйича жойлаштиришда киритиш режимини таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш;

оммавий тадбир иштирокчиларининг транспорт воситалари учун тўхташ жойлари ташкил қилинишини таъминлаш;

оммавий тадбирни ўтказишда фуқароларнинг хавфсизлигини ва жамоат тартибини таъминлаш масалалари бўйича ички ишлар органлари вакилларининг қонуний талабларини бажариш.

68. Оммавий тадбирни ўтказиш объекти маъмуриятининг ҳуқуқлари:

оммавий тадбир ташкилотчисидан оммавий тадбир дастурининг ўз вақтида тақдим этилишини талаб қилиш;

томошабинлар ва оммавий тадбирнинг бошқа иштирокчиларидан ушбу Қоидалар талаблари, умумий қабул қилинган ҳуққ-одоб нормалари ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этишларини талаб қилиш;

оммавий тадбирни ўтказиш вақтида ҳуқуқ-тартиботнинг бузилганлиги ёки жиноят содир этилганлиги аниқланганда бу ҳақда ички ишлар органлари ва Миллий хавфсизлик хизмати ходимларига дарҳол хабар бериш.

69. Оммавий тадбирларни ўтказишда ички ишлар органларининг мажбуриятлари:

оммавий тадбирнинг ҳажми, характери ва иштирокчиларининг сонини ҳисобга олган ҳолда оммавий тадбирни ўтказишда фуқароларнинг хавфсизлигини ва жамоат тартибини таъминлаш учун куч ва техник воситаларни жалб қилиш, жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва уларнинг олдини олиш;

оммавий тадбирни тайёрлаш ва ўтказиш даврида фуқароларнинг хавфсизлигини ва жамоат тартибини, йўл ва ёнғинга қарши хавфсизликни таъминлаш масалалари бўйича Миллий хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бўлинмалари, бошқа манфаатдор ташкилотлар, оммавий тадбир ташкилотчиси ва оммавий тадбирни ўтказиш объектининг маъмурияти билан ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш;

чипталарни сотиш вақтида кассалар олдида ва оммавий тадбирни ўтказиш объектига туташ ҳудудларда жамоат тартиби сақланишини таъминлаш;

оммавий тадбирнинг ташкилотчисидан ва оммавий тадбирни ўтказиш объектининг маъмуриятидан оммавий тадбирни ўтказиш объектининг сифидан келиб чиқиб чипталарни сотиш (таклифномаларни тарқатиш) лимитига риоя этилишини талаб қилиш;

оммавий тадбирни ўтказиш объектининг маъмуриятига алкоғолли ичимликдан маст бўлган ҳолатда ёки инсоннинг интеллектуал-ирода фаолиятига таъсир кўрсатувчи наркотик воситалар, психотроп ёки бошқа моддаларни истеъмол қилиш ҳолатида бўлган шахсларнинг оммавий тадбирни ўтказиш объектига ўтишига, шунингдек оммавий тадбирни ўтказиш объектида ва оммавий тадбирни ўтказиш объектига туташ ҳудудларда спиртли ичимликларни ичиш (истеъмол қилиш)га йўл қўймасликда ёрдам бериш;

оммавий тадбир ташкилотчисидан, оммавий тадбирни ўтказиш объекти маъмуриятидан ва бошқа шахслардан оммавий тадбирни ўтказиш объектида ва оммавий тадбирни ўтказиш объектига туташ ҳудудларда алкогольли маҳсулот сотишнинг тўхтатилишини талаб қилиш;

оммавий тадбирнинг ташкилотчиси ва оммавий тадбирни ўтказиш объектининг маъмурияти билан биргаликда томошабинлар ва бошқа иштирокчиларнинг оммавий тадбирни ўтказиш объектига ўтиш хавфсизлигини таъминлаш;

оммавий тадбирни ўтказиш объектининг сифимидан келиб чиқиб, оммавий тадбир иштирокчиларининг оммавий тадбирни ўтказиш объектига киритилишини тўхтатиш;

оммавий тадбирни ўтказиш объектининг маъмуриятига томошабинларнинг ташкилий равишда ўтишини ва трибуналарда, ўтириш учун ажратилган бошқа жойларда уларнинг жойлаштирилишига қўмаклашиш;

трибуналар (секторлар, жойлар)да ва унга туташ бўлган ҳудудда жамоат тартиби сақланишини таъминлаш, томошабинлар томонидан белгиланган хулқ-одоб қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш;

бошқа манфаатдор органлар билан биргаликда оммавий тадбирни ўтказиш объектида муҳандис-техник, ёнғинга қарши, коммуникация тизимлари ва иншоотлари, эвакуация қилиш йўллари тайёрлиги юзасидан назоратни амалга ошириш;

жамоат тартибини, ушбу Қоидалар талабларини, умумий қабул қилинган хулқ-одоб нормалари ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузаётган оммавий тадбир иштирокчиларидан оммавий тадбирни ўтказиш объектидан чиқиб кетишларини талаб қилиш, шунингдек уларни қонунда белгиланган жавобгарликка тортиш;

оммавий тадбир дастурида кўзда тутилган чиқишлар (ҳаракатлар)ни бевосита амалга оширувчи артистлар, спортчилар ва бошқа шахслар билан оммавий тадбирни ўтказиш вақтида фавқулодда вазиятлар юзага келган ҳолларда ўзини тутиш қоидалари бўйича, шунингдек томошабинларнинг агрессив ҳис-туйғуларини келтириб чиқарувчи ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисида йўл-йўриқ кўрсатиш;

оммавий тадбир тугаши билан, зарурат бўлганда — уни ўтказиш вақтида ёнғинлар, табиий офатлар, бошқа фавқулодда вазиятлар юзага келганда ёки юзага келиши хавфи бўлганда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизматининг бўлинмалари, оммавий тадбирнинг ташкилотчиси ва оммавий тадбирни ўтказиш объекти маъмурияти билан биргаликда оммавий тадбир иштирокчиларини трибуналар (секторлар, жойлар)дан ва оммавий тадбирни ўтказиш объектига туташ ҳудудлардан иштирокчиларни эвакуация қилиш жараёнини ташкил қилиш ва бошқариш.

Ички ишлар органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам бажаришлари мумкин.

70. Оммавий тадбирни ўтказишда ички ишлар органларининг ҳуқуқлари:

оммавий тадбирни ўтказиш объектига бориш жойларида физик тўсиқни ва рухсатнома билан ўтказиш режимини амалга ошириш, муҳандис-техник воситалардан фойдаланган ҳолда оммавий тадбирни ўтказиш объектини ва оммавий тадбирни ўтказиш объектига туташ ҳудудларни ўраб олиш чегараларини яратиш, оммавий тадбир иштирокчиларининг фотосуратга олиншини, аудио- ва видеоёзувини амалга ошириш;

оммавий тадбирнинг ташкилотчиси ва оммавий тадбирни ўтказиш объектининг маъмурияти томонидан рухсатномалар бўйича ўтказиш режимини амалга ошириш, томошабинлар ва бошқа иштирокчиларни трибуналар (секторлар, жойларда) чипталар (таклифномалар) бўйича жойлаштириш қоидаларига риоя этишни назорат қилиш;

оммавий тадбирни ўтказиш объектига туташ бўлган ҳудудларда транспорт воситаларининг текширувини, оммавий тадбир иштирокчиларининг шахсий текширувини ва улардаги буюмларнинг текширувини, шу жумладан техник ва махсус воситалар ёрдамида амалга ошириш. Оммавий тадбир иштирокчиси транспорт воситасининг текширувидан, шахсий текширувдан ёки ундаги буюмлар текширилишидан бош тортган тақдирда оммавий тадбир иштирокчиси (транспорт воситаси) оммавий тадбирни ўтказиш объектига қўйилмайди;

оммавий тадбирнинг ташкилотчисидан ва оммавий тадбирни ўтказиш объекти маъмуриятидан оммавий тадбир иштирокчиларини эвакуация қилиш йўллариининг бўшатилишини талаб қилиш;

оммавий тадбирни ўтказиш объекти маъмуриятидан томошабинлар ва оммавий тадбирнинг бошқа иштирокчилари билан кўргазмалар тарғибот ўтказиш, маҳаллий ретрансляция тармоғи ва бошқа воситаларидан фойдаланиб оммавий тадбирни ўтказиш объектида ўзини тутиш қоидаларига риоя этиш масалалари бўйича тушунтириш ишларининг ўтказилишини талаб қилиш;

оммавий тадбирни ўтказиш объекти маъмуриятининг ёнғинга қарши хавфсизлик талабларига риоя этилишини назорат қилиш.

Ички ишлар органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлардан ҳам фойдаланишлари мумкин.

Х. Якунловчи қоидалар

71. Оммавий тадбирнинг ташкилотчиси ва оммавий тадбирни ўтказиш объекти маъмурияти томонидан рухсат бериш талаблари ҳамда шартларига риоя қилишнинг назорати қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

72. Оммавий тадбирларни ўтказиш шартларига риоя қилиш назоратини амалга оширишда комиссия ўз ваколатлари доирасида:

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда оммавий тадбирнинг ташкилотчиси ва оммавий тадбирни ўтказиш объекти маъмурияти томонидан оммавий тадбирларни ўтказиш шартларига риоя қилинишининг режали текширувларини ўтказиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда оммавий тадбирнинг ташки-

лотчиси ва оммавий тадбирни ўтказиш объекти маъмурияти томонидан оммавий тадбирларни ўтказиш шартларига риоя қилинишининг бузилиши фактлари мавжуд бўлганда ушбу тадбирларни ўтказиш шартларига риоя қилинишининг режадан ташқари текширувларини ўтказиш;

оммавий тадбирнинг ташкилотчиси ва оммавий тадбирни ўтказиш объекти маъмуриятидан текширувларни ўтказишда юзага келадиган масалалар бўйича керакли ахборотни сўраш ва олиш;

оммавий тадбирнинг ташкилотчиси ва оммавий тадбирни ўтказиш объекти маъмурияти томонидан оммавий тадбирларни ўтказиш шартлари бузилишларининг аниқ фактларини кўрсатган ҳолда, текширув натижалари асосида далолатномалар тузиш;

оммавий тадбирнинг ташкилотчиси ва оммавий тадбирни ўтказиш объекти маъмурияти томонидан аниқланган бузилишларни бартараф этиш тўғрисида ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмаларни бериш, бундай бузилишларни бартараф этиш учун зарур бўлган муддатларни белгилаш, кўрсатмалар бажарилишини назорат қилиш;

оммавий тадбирни ўтказиш рухсатномасининг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёки рухсатномани бекор қилиш, оммавий тадбирни ўтказиш санаси ва вақтининг кечроқ муддатга кўчирилиши, унинг томошабинларсиз ўтказилиши ёки оммавий тадбирнинг бекор қилиниши тўғрисидаги таклифларни ваколатли орган раҳбарига кўриб чиқиш учун киритиш;

аниқланган камчиликларнинг бартараф этилмаганлиги оммавий тадбирни ўтказишда фуқароларнинг хавфсизлигини ва жамоат тартибини таъминлаш манфаатларига таҳдид қилувчи фавқулодда вазиятлар ёки бошқа ҳолатларнинг келиб чиқиш хавфини туғдирса — оммавий тадбир дарҳол тўхтатилишини талаб қилиш ҳуқуқларига эга.


Комиссия қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлардан ҳам фойдаланиши мумкин.


73. Бир йилда камида бир марта комиссия томонидан, оммавий тадбирни ўтказиш объекти маъмуриятининг ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотларнинг вакилларини жалб қилган ҳолда қурилиш конструкцияларидан фойдаланишнинг ишончлилиги ва барқарорлигини, уларнинг ёнғинга қарши ва санитария-эпидемияга қарши хавфсизлик, тез тиббий ёрдам кўрсатиш, эвакуация қилиш, коммуникация, муҳандис-техник химоя қилиш воситалари, оммавий тадбирлар иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тизимлари билан жиҳозланиш тизимларига қўйиладиган Ягона норматив-ҳуқуқий талабларга, шунингдек ушбу Қоидалар талабларига мувофиқлигини аниқлаш мақсадида оммавий тадбирларни ўтказиш объектларининг техник текшируви ўтказилади. Текшириш натижалари бўйича далолатнома тузилади, у аниқланган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш учун оммавий тадбирларни ўтказиш объекти маъмуриятига юборилади.

74. Ушбу Қоидаларнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Оммавий тадбирларни ўтказиш қоидаларига
1-ИЛОВА

Юридик ва жисмоний шахсларга Ўзбекистон Республикаси
худудида оммавий тадбирлар ўтказишга рухсатнома беришда
рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш
СХЕМАСИ





Оммавий тадбирларни ўтказиш қоидаларига
2-ИЛОВА

Оммавий тадбирни ўтказишга рухсатнома бериш тўғрисида
АРИЗА

_____ раҳбарига

1. Оммавий тадбир ташкилотчиси — юридик шахс учун: номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли: _____

ваколатли шахс: _____
(лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми;

_____ шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари; оммавий тадбирни ташкил этиш ва

_____ ўтказиш бўйича бошқариш функцияларини амалга ошириш бўйича ваколати)

1.1. Оммавий тадбир ташкилотчиси — жисмоний шахс учун: фамилияси, исми, отасининг исми: _____, паспорт (шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатнинг) серияси ва тартиб рақами: _____, ким томонидан ва қачон берилган: _____

2. Жойлашган (яшаш) жойи: _____
(юридик шахснинг почта манзили, _____ жисмоний шахснинг яшаш жойи)

3. Телефонлари: _____, _____, факс: _____, эл. манзили _____

4. Оммавий тадбирнинг номи ва тоифаси: _____

5. Оммавий тадбир ўтказишнинг ташкилий шакли: _____

6. Оммавий тадбирни ўтказиш мақсади: _____

7. Ўтказиладиган оммавий тадбирлар сони, рухсатноманинг сўралаётган амал қилиш муддати _____

(бир қанча оммавий тадбирлар ўтказиладиган тақдирда)

8. Оммавий тадбирни ўтказиш объектининг номи ва жойлашган жойи _____

9. Оммавий тадбирнинг санаси, бошланиш ва тугаш вақти _____

10. Иштирокчилар тўғрисидаги маълумотлар _____

(иштирокчиларнинг тахмин қилинаётган сони,

шу жумладан тоифалар бўйича — артистлар, спортчилар, томошабинлар ва бошқа шахслар)

11. Оммавий тадбирни ўтказишда овоз кучайтирувчи техник воситалар ва ёруғлик нурлари безакларидан фойдаланиш мақсадлари _____

12. Бошқа маълумотлар (ариза берувчининг хоҳишига кўра) _____

13. Аризага илова қилинадиган ҳужжатлар рўяхати (ҳужжатнинг номи ва варақлари сони), жами _____ варақда, шу жумладан:

а) юридик шахснинг давлат рўяхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома — ариза берувчи — юридик шахс учун; якка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўяхатидан ўтказилганлик гувоҳномасининг нусхаси — якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти доирасида оммавий тадбирни ташкил этаётган ариза берувчи учун;

б) оммавий тадбир ўтказиш объектининг (бино, иморат) маъмурияти билан келишув бўйича аризачи томонидан тасдиқланган оммавий тадбир дастури;

в) фаолиятнинг айрим турларини амалга ошириш ва (ёки) ишларни бажариш ҳуқуқига лицензиянинг (рухсатнома тусидаги ҳужжатнинг) нусхаси (агар оммавий тадбирни ўтказиш фаолиятнинг лицензияланадиган турларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ва (ёки) ишларни бажариш рухсатнома тусидаги ҳужжат олиншини талаб қилган тақдирда).

г) _____, варақда.

Рахбар _____

(имзо) (Ф.И.О.)

М.Ў.

Якка тартибдаги
тадбиркор _____

(имзо) (Ф.И.О.)

М.Ў. (муҳр мавжуд бўлганда)

Фуқаро _____

(имзо) (Ф.И.О.)

Оммавий тадбирларни ўтказиш қоидаларига
3-ИЛОВА

(Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири)

(ваколатли органнинг номи)

Р У Х С А Т Н О М А

ММ _____ № _____

(оммавий тадбир тоифаси)

20__ йил «__» _____
(рухсатнома берилган сана)

(юридик шахснинг тўлиқ номи (жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми))

_____ га

(оммавий тадбирни ўтказиш объектининг номи ва жойлашган жойи)

_____ да

(оммавий тадбирнинг санаси, бошланиш ва тугаш вақти — бир марталик оммавий тадбир ўтказилганда;

рухсат берилган оммавий тадбирларнинг умумий сони — бир нечта оммавий тадбир ўтказилганда;

оммавий тадбирнинг тоифаси, номи, мақсади ва уни ўтказишнинг ташкилий шакли)

ўтказиш учун берилди.

Оммавий тадбир иштирокчиларининг энг кўп чекланган сони: _____.

Фуқаролар хавфсизлигини ва жамоат тартибини сақлаш тадбирларини амалга ошириш _____га юкланади.

(худудий ички ишлар органининг, алоҳида батальон бўлимининг номи)

Алоҳида шартлар*:

Рухсатноманинг амал қилиш муддати**:

(охирги тадбирни ўтказиш муддати кўрсатилади — бир нечта тадбир ўтказилганда)

(ваколатли орган раҳбарининг лавозими)

(имзоси)

(Ф.И.О.)

М.Ў.

* Рухсатномада оммавий тадбирнинг аҳамиятини, характерини, иштирокчилар сонини, оммавий тадбирни ўтказиш объектининг хусусиятларини ва оммавий тадбирни ўтказишнинг бошқа аниқ шартларини ҳисобга олган ҳолда ваколатли орган томонидан белгиланадиган оммавий тадбирни ташкил этиш ва ўтказишнинг алоҳида шартлари кўрсатилиши мумкин.

** Ушбу Қоидалар 10-бандининг иккинчи хатбошида белгиланган тартибда бир нечта оммавий тадбир ўтказишга рухсатнома берилган тақдирда рухсатномада ўтказишга рухсат берилган оммавий тадбирларнинг умумий сони ва рухсатноманинг амал қилиш муддати кўрсатилади.

Оммавий тадбирларни ўтказиш қоидаларига
4-ИЛОВА

**Оммавий тадбирни ўтказишда фуқаролар хавфсизлигини ва
жамоат тартибини таъминлаш бўйича ички ишлар органлари
хизматлари қийматини ҳисоблаш**

Оммавий тадбирларни ўтказишда фуқаролар хавфсизлигини ва жамоат тартибини таъминлаш бўйича ички ишлар органлари хизматлари қиймати Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармасининг, вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг молия-иқтисодиёт бошқармалари (бўлимлари) томонидан тақдим этиладиган ва ҳисоблаб чиқиладиган харажатлар сметалари асосида аниқланади.

Бир киши-соат қиймати шартнома қийматини аниқлаш учун асос ҳисобланади. Бир киши-соат қиймати қонунчиликда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг етти фоизини ташкил қилади.

Шартноманинг умумий қиймати бир киши-соат қийматининг камида 50 фоизини жалб этиладиган ходимлар сонига ва оммавий тадбирни ўтказиш соатлари миқдorigа кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2014 йил 29 июлдаги 205-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган
деб эътироф этилаётган қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Оммавий тадбирларни ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» 2003 йил 13 январдаги 15-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ., 2003 й., 1-сон, 6-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида пиротехника буюмлари муомаласини давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2010 йил 25 октябрдаги 234-сон қарорига 1-илова 11-банди «е» кичик бандининг учинчи хатбоши (Ўзбекистон Республикаси ҚТ., 2010 й., 10-сон, 52-модда).

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Статистик, солиқ ва молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 16 июлдаги ПФ-4453-сон Фармони)» 2012 йил 1 ноябрдаги 313-сон қарорига 1-илованинг 30-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ., 2012 й., 11-сон, 79-модда).